

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 114 (1175), 2024 йил 11 июнь, сепанба



ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР БИЛАН ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ШЕРИКЛИК ДОИРАСИДАГИ ИШЛАР ҲОЛАТИ ВА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев хузурида Туркия Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги билан иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича келгуси режалар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафта Туркияга амалга оширган расмий ташрифи доирасида кўплаб келишувларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистон — Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилиши ва икки мамлакат етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув якунлари бўйича 10,1 миллиард долларга тенг 158 та янги лойиҳа шакллантирилган. Ушбу лойиҳалар саноат, энергетика, тоғ-кон ва геология, транспорт, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини қамраб олган.

Йиғилишда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида кўриладиган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берилди. Хусусан, икки мамлакат ўртасидаги Имтиёзли савдо битими доирасида маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, электротехника, хунармандчилик маҳсулотларига тариф ва бож ставкаларини камайтириш, Истанбул шаҳрида Ўзбекистоннинг савдо-ваколатхонасини очиб режалаштирилган.

Туркия таърибаси асосида тоғ-адирларни ўзлаштириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ҳамда қишлоқ хўжалигини сўғурташ тизимини жорий қилиш, ҳалқаро стандартларга мос ўзбек-турк Уруғчилик тест марказини очиб мўлжалланган. Президент Туркиянинг йирик компаниялари билан истиқболли лойиҳалар портфелини шакллантириш, худудлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кўшимча кўрсатмалар берди.

Саудия Арабистони билан ҳам инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланиб

бормоқда, қатор йирик лойиҳаларни амалга ошириш бошланган, сармоялар портфели тобора кенгайиб бормоқда. Подшоҳлик компаниялари иштирокида умумий қиймати 24,1 миллиард долларлик 34 та инвестиция лойиҳаси рўйхати шакллантирилган.

Мазкур лойиҳалар доирасида жорий йилда жами 2,5 миллиард доллар маблағни ўзлаштириш режалаштирилган. Шу жумладан, йил якунига қадар транспорт, рақамлаштириш, инфратузилма, соғлиқни сақлаш, энергетика соҳаларида қўшимча 13 та лойиҳа доирасида 1,5 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилиши кутилмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон-Саудия Ишбилармонлар кенгаши иштини янада фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Кенгаш доирасида шакллантирилган экология, тоғ-кон, моливий ҳамкорлик соҳаларида қиймати 6,5 миллиард долларлик янги истиқболли лойиҳалар юзасидан музокараларни якунига етказиш ва амалий ишларни бошлаш муҳимлиги қайд этилди.

Президентимиз ҳисобот ва режалар билан танишиб, мутасаддиларга хорижий инвестицияларни тўлиқ ва сифатли ўзлаштириш чораларини кўриш, лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатишни топширди.

Инвесторлар билан доимий мулоқот қилиб, улар учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган масалаларни тизимли ҳал этиб бориш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

ТАРМОҚ ВА ҲУДУДЛАРДА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ ВА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 10 июнь куни энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда энергетика соҳаси объектларининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашнинг таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Энергетика тармоғини ривожлантириш ва барқарор фаолиятини таъминлаш, энергия манбаларини ва генерация қувватларини кўпайтириш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Шу билан бирга, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланмасдан, тармоқ ва худудларда, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий соҳаларда энергия самарадорлигини таъминлаш тизимда юқори натижаларга эришиб бўлмайди.

Шу муносабат билан йиғилишда мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йили электр ва газни тежаш бўйича туманбай дастурлар қабул қилинди. Хонадонлар ва ижтимоий объектларда ўрнатилган биргина кўш коллекторлари ҳисобига 20 миллион киловатт электр тежалоқда. Саноат корхоналари ҳам “ашил энергия” манбаларини жорий қилмоқда.

Лекин айрим худудларда ишлар суст бўлгани учун электрнинг иқтисод қилиш режаси тўлиқ бажарилмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Янги ижтимоий объектларни лойиҳалаштиришда энергия тежамкорлик бўйича қатъий талаб қиритиш, маъмурий бинолар, кўп қаватли уйлар, корхона, савдо ва сервис биноларида энергия самарадорлиги юзасидан техник шартларни ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда жорий йилда 1 мингта ижтимоий объектни куз-қиш мавсумига тайёрлаш топширилди. Жумладан, 251 та шифохона, 292 та боғча, 393 та мактаб ва интернат таъмирланади.

Президент тармоқ раҳбарлари ва ҳокимларнинг бу йилги электр ва газни тежаш режаси қониқарсиз эканини, улар янада катта марра олиши шартлигини таъкидлади.

Ҳар бир ҳокимга биттадан туманни танлаб, уни электр ва газни тежаш бўйича намуна қилиш топширилди. Ушбу туманларда бу йил 750 миллион киловатт электр ва 550 миллион куб метр газ иқтисод қилинишига эришиш муҳимлиги таъкидланди.

— Тежаш — йўқотишларни камайтириш, тежамкор технологияларни жорий қилиш ҳисобига бўлиши шарт, — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда бундан буён илгор таъриба асосида соҳа ва тармоқларда энергия самарадорлигини баҳолаш бўйича янгича тизим амал қилиши белгиланди.

Бунда йилга камда 4 миллион киловатт электр ёки 375 минг куб метр газ сарфлайдиган йирик истеъмолчилар ҳар уч йилда энергия аудитидан ўтади. Энергоинспекция ҳар йили йирик истеъмолчилар рўйхатини эълон қилиб боради, аудитдан ўтмаган корхоналарга газ ва электр оширилган тарифда етказилади.

Мутасаддиларга йил якунига янги тизим билан боғлиқ техник регламент ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Юртимизда электромобиллар сони охириги уч йилда 10 карра ошиб, 35 мингтага етди. Жиззаҳда электромобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Шу муносабат билан электр тизимини ривожлантиришда янги зарядлаш қувватларини ҳисобга олиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Эндиликда электромобилни хонадонда қувватлашни рағбатлантирадиган тунги тариф жорий қилинади. Қувватлаш ускунасига ҳисоблагич ўрнатган аҳолига тунги вақтда қувватлаганлик учун арзон тариф қўлланади.

Шунингдек, кўчалар, кўп қаватли уйлар остида 22 киловаттгача, хонадонда 7 киловаттгача зарядлаш станцияси ўрнатиш мумкин бўлади. Давлат ташкилотлари, савдо маркази, мехмонхона ва дам олиш масканлари автотураргоҳида қувватлаш станцияси ўрнатилади.

Республикаимиздаги 39 мингта яқин кўп қаватли уйга 819 та бошқарув компанияси хизмат кўрсатмоқда. Солиқ имтиёзи, арзон кредит берилгани, эски қарзлар “музалтиллани” ҳисобига улар оёққа турмоқда. Масалан, бир йил олдин 133 та бошқарув компанияси “оғир”

тоифада бўлган бўлса, ҳозир бундай компания қолмади. Натижада йил бошидан 2 минг 100 та кўп қаватли уй таъмирланди, 1 миллионга яқин дарахт ва гул кўчатлари экилди.

Йиғилишда ҳамма жойда ҳам одамлар уйларни бошқариш сифатидан қониқмаётгани қайд этилди. Кўплаб бошқарув компаниялари фақат кўчаларни суғуртириш ва тозалаш, жорий таъмирлаш билан чекланипти. Лекин уйлар атрофини ободонлаштириш, том, ички ва суғорини тармоқларини соз ҳолда сақлаб туриш каби асосий вазифалар эътибордан четда қолиб кетмоқда.

Яқинда бошқарув компаниялари хизмати учун тарифнинг энг кам миқдори белгиланди. Энди бошқарув ва эксплуатация сифати ҳам шунга яраша бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бошқарув компаниялари аҳоли ва коммунал ташкилот ўртасида “кўприк” бўлиши кераклиги қайд этилди. Бундан буён қурилганига икки йилдан ошмаган уйларда, яъни кафолат муддатига муаммо чиқса, пудратчи билан бирга уларни бартаф қилишга масъул бўлиши белгиланди.

Кўп қаватли уйлар сейсмо-конструкциясига ноқонуний ўзгартириш қиритиш ҳолатлари кузатилаётгани, янги кўп қаватли уйларда бино чўкиши, уларда ёриқлар юзага келаётгани, шўрланиш ва сифат бўйича аҳолидан эътирозлар бўлаётгани қайд этилди.

Масъул ташкилотларга уйлар хавфсизлиги ва инфратузилма сифати бўйича пудратчилар мажбурияти бажарилишини қатъий назоратга олиш, конструкцияни ноқонуний ўзгартириш ҳолатларини эрта аниқлаш тизимини жорий қилиш топширилди.

Бу йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича ҳар бир маҳалладаги ҳақиқий аҳвол ўрганилди, туманлар кесимиде дастур ишлаб чиқилди. Тайёргарлик ишларига ўтган йилги 14 триллион сўмга қўшимча яна 14 триллион сўм ажратилиши белгиланди.

Йил бошидан вилоятларда 250 та авариивий ўчиш рўй берган, оқибатда айрим жойлардаги истеъмолчиларга электр барқарор етказилмаган. Шунингдек, баъзи кўп қаватли уйлардаги электр қутилар ва ундаги симлар муддатини ўтаб бўлган.

Мутасаддиларга бу борадаги камчиликларни тўлиқ бартаф этиш топширилди. Ишларни энг оғир маҳаллардан бошлаб, йил якунига 30 минг километр тармоқ, 10 мингта трансформаторни яхшилаш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда энергетиканинг ресурс базисини мустаҳкамлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Барча генерация манбалари ҳисобидан жорий йилда 4 гигаваттлик электр станцияларини ишга тушириш режалаштирилган. Бундан ташқари, 850 километр магистрал тармоқ ва 9 та подстанцияни капитал таъмирлаш, 595 километр электр тармоғи ва 4 та янги подстанцияни ишга тушириш режалари белгилаб олинди.

Иссиқлик электр станциялари барқарор ишлаши, аҳоли ва ижтимоий соҳа эҳтиёжлари учун жорий йилда кўмир қазиб чиқариш ҳажмини янада ошириш зарурлиги қайд этилди. Бундан ташқари, мазут ва кўмир икки йилга бож тўловларидан озод қилиниши, кўмир импорти учун уч йил муддатга револьвер кредитлар берилиши белгиланди.

Октябрь-декабрь ойларида истеъмолчиларга 163 минг тонна суюлтирилган газ етказиб бериш топширилди. Шунингдек, вилоят ҳокимлигига 300 дан зиёд олис маҳалла учун кўмир, суюлтирилган газ ва асосий турдаги озиқ-овқат захирасини яратишга топшириқ берилди.

Куз-қиш мавсумида аҳолийн иссиқлик ва ичимлик суви билан кафолатли таъминлаш учун қозонхона, қозон ва иссиқлик тармоқларини яхшилаш, сув тармоқлари ва насосларни таъмирлаш вазифалари белгилаб олинди.

Йиғилиш давомида тармоқ ва худудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

ЎЗА

Ўзбекистон ва Туркия — туркий дунёнинг икки йирик давлати. Бинобарин, улар ўртасидаги муносабатлар туркий ҳамкорлик истиқболларини белгилловчи омилдир. 2016 йилдан икки давлатнинг янада самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатларида янги саҳифа очилди. Мамлакатлар ўртасидаги алоқалар сифат жиҳатидан янги стратегик даражага кўтарилди, юқори даражадаги сиёсий мулоқот фаол ривожланмоқда.



Нуқтаи назар

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА “ТЕМИР” ИНТИЗОМ — ИЖРО САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ

Ижро интизомини бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин мамлакатимиздаги ислохотлар самараси, ҳаётимизда тўлақонли акс этиши, аҳоли турмуши даражаси ва сифатини ошириш бўйича натижадорлиги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ижро этиш интизомининг қай даражада қатъийлигига боғлиқ.

Президентимиз раислигида 2023 йил 21 ноябрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ижро интизоми йўналишида мустаҳкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, “темир” интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгартириш асосий вазифа сифатида белгилаб берилгани ҳам мазкур соҳадаги ишларни янада жадаллаштиришни талаб этмоқда. Мазкур

йиғилишда давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида жуда катта ислохотларни амалга оширяймиз. Ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолмаётгани йўқ. Лекин ислохотлар “қоғозда” қолиб кетмаслиги керак. Вазирлик ва тармоқ раҳбарлиги, ҳокимлар жойларда уларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш шарт”, дея муҳим топшириқлар ижросида сустқашликка

йўл қўйилаётгани, баъзи раҳбарлар рақам ордин қувиб, сифат, самарадорлик ва талабчанликни унутиб қўётганини қайд этганди.

Сифатли ҳужжат — самарали ижро

Айрим вазирлик ва идоралар ҳужжат лойиҳаларини тайёрлашда уларнинг сифатига, хусусан, ҳар бир топшириқнинг моливий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан пухта ишланишига ҳамда асосланган мустаҳкам белгиланишига эътибор қаратмаётгани.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ: ЮКСАК МАҚСАДЛАР САРИ

Ўзаро савдо ҳажми 2016 йилда 1 миллиард 242 миллион доллар миқдоридан бўлган. 2023 йилга келиб, бу кўрсаткич 3,1 миллиард долларга етгани давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳамда савдо алоқаларида янги давр бошланганидан далолат. Бугунги ҳолат эса тез орада ушбу кўрсаткични 10 миллиард доллардан ошириш имконини беради. Туркия 2016 йилгача Ўзбекистон ташқи савдосида биринчи 5 давлат орасида эди, 2023 йил якунлари бўйича тижоратдаги тўртинчи йирик шеригимиз бўлди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти лавозимига киришгач, турк ишбилармонлари кўп йиллардан бери қайта-қайта тилга олган муаммолардан бири бўлган виза масаласи ижобий ҳал этилди. Жумладан, Ўзбекистон ҳуқуқати томонидан 2017 йилда Туркия фуқароларига 3 кун ичда виза беришни назарда тутувчи қарор имзоланди. 2018 йил февралда Туркия фуқаролари 30 кунлик визадан озод қилинди. Натижада икки давлат фуқароларининг ўзаро ташрифи кўпайди. Туркияга борадиган ўзбекистонликлар сони 2023 йилда

500 мингга яқинлашди. Ваҳолаки, 2016 йили бу кўрсаткич 150 минг атрофида эди. Ўзбекистон — Туркия ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг таъсирчан суръати таъминланиб, сўнгги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,3 баробар, мамлакатимизда турк капитали иштирокидаги корхоналар сони 3 баробар ошиб, 1 минг 898 тага етди. Туркиядан тўғридан тўғри хорижий инвестиция оқими эса 10 баробар кўпайди.

Давоми 3-бетда

Ислохот одимлари

МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ ЕЧИМИ

ёхуд “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида қилинаётган ишлар

4



Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА “ТЕМИР” ИНТИЗОМ — ИЖРО САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ



ИЖРО ИНТИЗОМИ

ИДОРЛАРАРО ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ

Акбар ТОШҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
адлия вазири

Бошланғичи 1-бетда

Буни аниқ рақамларда ҳам кўрсак бўлади. Мисол учун, 2024 йилнинг биринчи чора-ғида Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган (501 та) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг 158 таси ёки 31,5 фоизи қонунчилик ҳужжатлари нормаларига эид экани, белгиланган талабларга риоя этилмагани сабабли ташаббускор идораларга қайтарилган.

Аксарият ҳолларда лойиҳаларда берилмаётган топшириқларни амалга оширишнинг механизми аниқ белгилаб берилмагани, кўтарилган муаммолар пухта таҳлил қилинмаслиги ва янги механизмлар амалиётга қандай таъсир қилиши баҳоланмаслиги, топшириқларни бажаришнинг асосланганлиги, мақсадга мувофиқлиги белгиланмагани, илгор ҳорижий таърибга етарлилик ўрганилмаслиги каби тизимли камчиликлар учрамоқда.

“Сифатли ҳужжат” самарали ижронини таъминлашга кўмак берадиган қатор муҳим жараёни ўз ичига олади. Хусусан, қонунчилик ҳужжатларини рўёбга чиқариш ҳамда уларнинг ижро этилмаслиги хафи экспертиза қилинади. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

— биринчидан, белгиланаётган вазифаларнинг кўлами, муддати ва мураккаблиги ташкилотларнинг имкониятларига мос келиши;

— иккинчидан, топшириқни бажариш учун зарур молиявий ресурслар миқдори ва кафолатланган манбалар таҳлил қилингани;

— учинчидан, ижронини таъминлаш учун тегишли иқтисодий-ижтимоий инфратузилма мавжудлиги.

Мазкур тахлиллар ижрочиларга ҳар қандай ҳуқуқий тўсиқлар, шунингдек, ишнинг қўллаётган ва қўлынмаган оқибатларини олдидан прогноз қилиш имконини беради.

Халқаро таърибада (АҚШ, Буюк Британия ва Ҳокказо) ҳам ҳар бир топшириқнинг мақсади, хавф-хатар, баҳолаш мезони, қўллаётган натижа белгиланади.

Таъсирчан назорат механизми

Топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини мониторинг қилиб бориш ҳамда натижадорлик, қўзланган мақсадга эришилганлиги каби тамойиллар орқали топшириқларнинг ижро ҳолатини назорат қилиш ижтимоий маълумот идоралар олдида турган муҳим вазифадир.

Шу мақсадда Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “jrgo.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини самарали фаолият кўрсатишини

таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур фармон ва қарор билан қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарор, фармойиш ва топшириқлари (кейинги ўринларда топшириқлар) ижросини самарали ташкил этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги оширилди, мазкур соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилди.

Ушбу ҳужжатлар асосида барча давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари томонидан топшириқларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажаришга қаратилган мустақам платформа яратилди.

Адлия органларига ижронини ташкил этиш, шу жумладан, топшириқларни масъулларга етказиш, тушунтириш, амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва назорат қилиш билан боғлиқ вазифалар юклатилди ҳамда зарур ваколат ва ресурслар тақдим этилди.

Давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг ижро интизомига масъул бўлиналари раҳбар ва мутахассислари билим ҳамда кўникмаларини доимий ошириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигида стажировка ўташ амалиёти йўлга қўйилди.

2023 йилда вазирлик ва идораларда фаолият юритаётган ижро интизомига масъул жами 594 нафар раҳбар ва мутахассис ўз малақасини ошириб, билим ва кўникмаларини янада мустақамлади.

Шунингдек, яқиндан ёрдам бериш, ҳуқуқий-услубий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида масъул ижрочиларни пайшанба ва жума кунлари вазирликда қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилиб, ҳужжатларни расмийлаштириш ва топшириқларни бажаришдаги муаммо ва камчиликларга ҳуқуқий жиҳатдан ечим бериб келинмоқда.

Мамалякатимизнинг барча ҳудудда ҳокимликлар, давлат органлари ҳудудий бўлиналарининг раҳбар ва ходимлари иштирокида

жойларга чиққан ҳолда топшириқлар ижросини “виюлет — туман — маҳалла” тизими асосида ташкил этиш борасида тизимли амалий семинарлар ўтказилмоқда.

Қатъий интизом, юксак масъулият билан ишлаш

Муайян соҳа ёки тармоқда натижадорликка, самарага эришиш негизда ишга муносабат, қатъий интизом, юксак масъулият каби сифатлар ётиши таърибадан маълум.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг тегишли ҳужжат ва топшириқлари ижросини таъминлаш барча даражадаги давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг энг масъулиятли вазифаларидан бири бўлиши шарт.

Зеро, раҳбарлардаги масъулиятсизлик, бошқарувнинг ўрта ва куйи бўғинлари мутахассисларига нисбатан либерал муносабат ижро интизоми самарасиз даражада эканидан далолат берадиган ҳолатлар сифатида намоён бўлади.

Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида ижро интизоми таъминланмаса, зарур даражада йўлга қўйилмаса, нафақат ҳаётнинг шу ҳаётнинг энг муҳим масалалари баён қилинадиган дастурлардаги, балки қабул қилинадиган ҳар қандай ҳужжатлардаги муҳим гоълар, ташаббуслар амалга ошмай қолиши мумкин.

Тарихга назар ташласак, барча замонда тартиб-интизом масаласи, қонун-қоидалар ва уларнинг ижроси ҳар доим мамлакатини бошқаришда бирламчи оид бўлганга ишонч ҳосил қилади. Амир Темур жойлардаги амалдорларга қатъий фармойишлар берган ва ижро учун боши билан жавоб беришларини уқитган.

Шунга монанд Адлия вазирлиги томонидан ҳар ойда топшириқлар ижро ҳолати тақдирини тахлил қилинган ҳолда ҳужжатлар тўплами тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиб боришмоқда. Вазирлар Маҳкамаси раёсати мажлисларида топшириқлар ижросининг натижадорлиги муҳокама қилиниб,

жиддий камчиликларга йўл қўйган раҳбарларга интизомий таъсир чоралари қўлланылмади.

2023 йили Адлия вазирлиги томонидан 30 дан ортиқ ташкилот фаолияти ўрганилди, 6 минг 300 дан ортиқ топшириқ ижроси жойига чиққан ҳолда мониторинг қилинди, 60 га яқин таъсир чораси қўлланди, 55 та тахлилий маълумот тайёрланиб, тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Натижада ижро интизомининг бузилишига йўл қўйган 77 ходим интизомий жавобгарликка тортилди. Шундан 11 нафарни эгаллаб турган лавозимдан озод қилинган бўлса, 58 нафарига “ҳайфсан”, 8 нафарига эса “жарима” жазоси қўлланди.

Ижро натижадорлиги — энг устувор вазифа

Давлат органлари ва ташкилотларида топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва натижадор ижро этилиши уларнинг ижрочиларга ўз вақтида етказилгани, мазмун-моҳияти ҳодимларга тушунтирилгани ҳамда идорада таъсирчан ижро назорати йўлга қўйилгани билан бевосита боғлиқ.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида топшириқлар ижроси самарадорлигини таҳлил қилиш, тизимли муаммоларни ҳал этиш усулларини кўрсатиш, асосийси, фаолиятни тўғри йўлга қўйиш мақсадида манзил ва тематик ўрганишлар ўтказилмоқда.

Топшириқларнинг ижро натижадорлиги ушбу жараёнларда ҳам чуқур таҳлил қилинади, “ётиқ қозон каби ётиқлигича қолмайди”. Бу ҳақда давлатимиз раҳбарига ахборот берилади, жамоатчиликка маълум қилинади, керак бўлса, масъуллар жозоланади.

Адлия вазирлиги томонидан ўрганиш ва таҳлиллар жараёнида топшириқлар ижроси бўйича маълумотлар қуйидаги мезонлар асосида баҳолаб боришмоқда:

қонунчилик — топшириқларда назарда тутилган таъсирчан тартиб-таъминлар ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилгани;

долзарблик — юритилаётган давлат сиёсати, амалга оширилаётган ишлохотлар мазмун-моҳиятига мослиги;

тўлиқлик — топшириқлар билан қўзланган маълумотларга — кўрсаткичларга эришилгани (соли, миқдори, ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар);

ҳаққонийлик — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси натижалари бўйича маълумотларнинг амалда қилинган ишлар билан ўзаро мувофиқлиги;

масъулиятлилик — топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш борасида масъул ижрочилар томонидан ўз ваколати доирасида барча зарурий чоралар кўрилгани.

Мазкур мезонлар асосида топшириқ ижроси фақат қоғозда назорат қилинмайди, балки Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия бўлиналари томонидан топшириқ амалда бажарилган ёки бажарилмагани, тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқатлиги жойига чиққан ҳолда ўрганилади.

Бунда ҳудудий адлия органлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлиналари томонидан топшириқларнинг ижро қилинишини доимий равишда мониторинг ва таҳлил қилиб боради.

Умуман олганда, қўрилаётган барча чоралар Президент ҳужжатлари ва топшириқларини самарали ҳамда натижадорлик билан ижро этилишини таъминлаш орқали, энг аввало, ҳалқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида амалга оширишмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Халқ биздан рози бўлса, ишимизда унум, борака бўлади. Одамларнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳоқир”.

Муносабат

ҚОРАКЎЛЛИКЛАР ЭНДИ ФАҚАТ ИХТИСОСЛАШГАН МАКТАБИ БИЛАН МАҚТАНМАЙДИ

Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифини шу юрт фарзанди сифатида мен ҳам катта қизиқиш билан кузатдим. Айниқса, тап-тақир чўл бағрида барпо этилаётган “Қоракўл” эркин иқтисодий зонасида ишга тушган замонавий қувур заводи билан танишув, “Янги Ўзбекистон” массивига ташриф, шу ҳудудда жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари билан мулоқот давомида айтилган фикрлар, илгари сурилган гоъ ва ташаббуслар қўлғим остида ҳамон акс садо бериб турибди.

Давлатимиз раҳбари бу янги иншоотларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда тутган ўрни ҳақида тўхталар экан, бундай бунёдкорлик ишлари пираворд натижада одамларнинг ўйига ёруғлик, ишонч ва умид олиб кириши, шу умид эса барчамизни бирлаштиришни алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун инсон қалбига ёруғлик, келажакка ишонч ва интилишни кучайтирадиган, барчамизни ватан манфаати, юрт равнақи йўлида яқдил ва ҳамнафас бўлишга ундовчи хайрли ишлар кўпаймоқда. Нафақат йирик шаҳарлар, балки чекка-чекка қишлоқларга ҳам юксалиш нафаси шиддат билан кириб борапти. Буни олис Қоракўл тумани мисолида янада яққол ҳис этиши мумкин.

Бугунги кунда 170 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган бу ҳудуд яқин-яқингача табиий ва журтрофий жиҳатдан катта салоҳиятга эга бўла туриб, тараққийётган

ортда қолиб кетаётгани қоракўлликларни ташвишга солгани ҳам бор гап. Қоракўл ҳақида гап кетса, ноёб тери ва математика соҳасига ихтисослашган мактабда эришилаётган ютуқлар билан чекланиб қоларди. Бу ҳудудда sanoat деярли мавжуд эмасди. Йўл, ичимлик сув, электр энергияси, газ таъминоти каби муаммолар аҳолини кўп йиллар қийнаб келди.

Шуқри, бугун бу муаммоларга босқичма-босқич ечим топишмоқда. Кейинги йилларда кечётган муҳим ижтимоий-иқтисодий ишлохотлар қоракўлликлар ҳаётини ҳам тубдан ўзгартирди. Тоза ичимлик сув муаммоси бугун тўла ечим топди. Йўл инфратузилмаси яхшиланмоқда, маҳалалар ҳудуди обод бўляпти. Замонавий мактаб ва мактабгача таълим масканлари кўпаймоқда. Маҳалларда аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари натижада тадбиркорликнинг янгидан янги йўналишлари пайдо бўляпти.

Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи арафасида “Қоракўл” эркин иқтисодий зонасида “Енпире” корхонаси ишга туширилди. Умумий қиймати 58 миллион доллар бўлган лойиҳа тўлиқ ҳорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилди. Хитой, Туркия, Нидерландия ва Испаниядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилиб, йилга 300 минг тонна металл қувур ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ушбу замонавий корхона ишга туширилиши натижада биринчи босқичда 480 та иш ўрни яратилди.

Ишчиларнинг аксарияти қоракўлликлар, улар орасида иш излаб ҳорижда сарсон бўлиб, ҳозир ўз юртидан ҳаловат топган меҳнат мигрантлари ҳам талайгина. Шерзод Авлиёхўжаев шундай ёшлардан бири. Қоракўлда улкан sanoat корхоналари иш бошлаганини эшитиб, юртга қайтиб тегишли ташкилотларга мурожаат қилган бу йигит бугун шу корхонада ишламоқда.



Илгари фақатгина қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманда sanoat тобора ривожланаётган. “Реалтекс”, “Мергантекс”, “Қумуш калава”, Қандим газни қайта ишлаш заводи каби йирик sanoat корхоналари сафига энди “Қоракўл” эркин иқтисодий зонаси ҳам қўшилипти.

Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи арафасида “Қоракўл” эркин иқтисодий зонасида “Енпире” корхонаси ишга туширилди. Умумий қиймати 58 миллион доллар бўлган лойиҳа тўлиқ ҳорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилди. Хитой, Туркия, Нидерландия ва Испаниядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилиб, йилга 300 минг тонна металл қувур ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ушбу замонавий корхона ишга туширилиши натижада биринчи босқичда 480 та иш ўрни яратилди.

Ишчиларнинг аксарияти қоракўлликлар, улар орасида иш излаб ҳорижда сарсон бўлиб, ҳозир ўз юртидан ҳаловат топган меҳнат мигрантлари ҳам талайгина. Шерзод Авлиёхўжаев шундай ёшлардан бири. Қоракўлда улкан sanoat корхоналари иш бошлаганини эшитиб, юртга қайтиб тегишли ташкилотларга мурожаат қилган бу йигит бугун шу корхонада ишламоқда.



— Хорижда яхши иш топишнинг ўзи бир муаммо, қолаверса, даромадининг катта қисми патент, яшаш шароити, йўл харажатига кетиб қолади. Инсонни энг қийнайдигани эса юрт соғинчи, — дейди у. — Ўз оилани энди ўртамизда ишлаб топган маошимни оилавий шароитни яхшилаш, фарзандлар камолига сарфлаймиз. Қолаверса, янги технологиялар орқали ишлаб чиқариш ҳолатини ривожлантириш ва ватанимиз раванқига ҳиссавини қўшамиз. Инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмайди.

Айни пайтда “Қоракўл” эркин иқтисодий зонасида бунёдкорлик ишлари давом этапти. Умумий майдони 566 гектар бўлган мазкур ЭИЗга 5 та йирик лойиҳа жойлаштирилмоқда. Улар босқичма-босқич амалга оширилиб, яқинда уч мингга яқин иш ўрни яратилиши мўлжалланган. Бу эса ёшлар учун катта имкониятдир.

Қоракўл кўркига-кўрк бўлиб турган муҳим янгиланишлардан яна бири янги иншоотлар, уй-жойлардир. Шулардан бири “Қоракўл” эркин иқтисодий зонасида туташ жойлашган “Янги Ўзбекистон” массиви. Ушбу лойиҳа икки босқичли бўлиб, унинг доирасида 1380 хонадонли 71 та кўп



қаватли уй, таълим ва тиббиёт муассасалари, маҳалла маркази ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши кўзда тутилган. Ҳозир биринчи босқичда 12 та кўп қаватли уй, мактаб, болалар боғчаси, поликлиника фойдаланишга топширилган.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон” массивини бориб кўрди, шу ерда маҳалла вакиллари билан суҳбатлашди.

— Маҳаллада “еттилик” ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлса, ишсизлик, жиноят бўлмайди. Бунинг учун уларда етарли ваколат бор. Мутасадди ташкилотларни жалб этиб, одамларнинг даромад топишига ёрдам бериш керак. Мактабда таълим сифатидан хабардор бўлиш, битирувчиларни олий таълимга, даромадли хуналарга йўналтириш зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

“Маҳалла еттичилиги” тизими доирасида бугун Қоракўлда кенг қамровли ишлар қилиняпти. Юрт зиёратига борганимда бу борада рўй бераётган ўзгаришларни кўриб жуда хурсанд бўламан. Айниқса, маҳалаларда оилавий тадбиркорлик ривожланиши аҳоли даромадини оширишга замин бўлмоқда.

Янги турмуш маҳалласидаги ишлар бунга мисол бўла олади. Тўрт миңдан кўпроқ аҳоли яшайдиган маҳаллада сўнгги йилларда бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш борасида маҳалла фаоллари ҳамкорлигида тизимли ишланипти. Натижада аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида 19 фуқарога 71,4 миллион сўм миқдорда субсидия ажратилди. Бу аҳоли, айниқса, аёллар бандлигини таъминлашда яхши самара берапти. Ушбу имкониятдан фойдаланиб ўзини ўзи банд қилган опа-сингилларимиз уй-рўзгор юмушидан ортиб, оиласига даромад киритишга эришмоқда.

Бундан ташқари, “Бизнесга илк қадам” лойиҳаси асосида 15 фуқарога 75 миллион

сўм кредит ажратилди. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 13 фуқарога 298 миллион сўм берилди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори асосида 31,9 гектар ер ишсиз ва кам даромадли фуқароларга ажратиб берилиши оилалар фаровонлигини ошириш учун яна бир қўлайлик бўлди.

Бундай хайрли ишлар жорий йилда ҳам давом этапти. Ўтган беш ой мобайнида ўндан зиёд ишсиз касб-хуналар ва тадбиркорликка ўқитилди. Чора-тадбирлар самарасида маҳаллада даромад топишининг анъанавий йўналишлари қаторида иссиқхона, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асарларчилик каби янги йўналишлар ҳам ривожланяпти.

— Аҳоли турмуш шароитини янада юксалтиришга қаратилган эътибор тўғрисида бугун туманимизда улкан ўзгаришлар рўй берапти, — дейди “Янги турмуш” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Шоқир Шермухаммедов. — “Қоракўл” эркин иқтисодий зонаси барпо этилиши бундай янгиланиш суръатини янада оширмоқда. Ушбу мажмуа қурилишида маҳалламиз ёшлари ҳам ишлаяпти. Бу ёшларимизнинг бунёдкорлик соҳасида ўзини хос салоҳияти ифодаси, десак муволажа бўлмайди.

Айни пайтда бундай хайрли ишларда бардавом бўлиши учун ёшларга илм ўргатиш бариберида замонавий касб-хуналарга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур имконият ва эътибор ўсиб келаятган ёшларимизнинг халқимиз орзу қилинган Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишда ҳақиқий бунёдкор куч бўлиб майдонга чиқишига замин бўлажак.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири





Тарихий илдири бир бўлган икки давлатнинг бугунги муносабатлари кўлами кенгайиб, кўшма лойиҳалар билан янада мустақамланмоқда. Туркия Ўзбекистоннинг ислохот ва ривожланиш жараёнига, энергиядан сармоёга, қурилишдан саноатга қадар минтақавий барқарорлик нуктаи назаридан стратегик ҳисса қўшиб келмоқда.



Туркия Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан. Аниқроғи, Россия, Хитой ва Қозоғистондан кейин тўртинчи ўринни эгаллайди. Ҳаттоки айрилма ҳақида шикоят қилиш жуда юқори даражада ошиб, турли соҳаларда ҳамкорлик фаоллашмоқда. Транспорт-коммуникация йўналишида ўзаро алоқалар, худудлар ўртасидаги шериклик мустақамланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ: ЮКСАК МАҚСАДЛАР САРИ



Нодир ЖУМАЕВ, иқтисодий фанлари доктори, профессор

Бошланиш 1-бегда

2023 йилда 260 та янги ўзбек-турк корхонаси ташкил этилиб, Туркия Ўзбекистондаги қўшма корхоналар сони бўйича учинчи ўринга кўтарилди. Икки давлат ўртасида 2016 йилгача ҳафтада 5 марта амалга оширилган режали авиарейслар ҳам кейинги йилларда сезиларли даражада кўпайди. Мунтазам қатновлар 2,5 баробар ошиб, ҳафтасига 90 та рейсга етди.

Туркиянинг Cengiz Holding, Aksa Energy, Çalık Holding, Akay İnşaat, Anadolu Group, Özgüven, Eczacıbaşı Holding каби етакчи компаниялари Ўзбекистонда 100 дан орტიқ лойиҳани амалга оширмоқда. Президентимизнинг навбатдаги ташрифи давомида 10 миллиард долларлик янги сармоёвий лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Ташриф давомида саноат кооперациясини мустақамлаш, юқори қўшимча қий-матга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни чуқур маҳаллийлаштириш, учинчи дав-латлар бозорига биргаликда чиқиш маса-лалари муҳофизат қилинди. Имтиёзли сав-до тўғрисидаги битим доирасида божа на-тарифини пасайтириш ҳамда Истанбулда Ўзбекистоннинг савдо ваколатхонасини очиб заруриликка эътибор қаратилди. Транспорт-логистика соҳасини оши-риш, жумладан, “ўрта коридор” имкония-тидан самарали фойдаланиш борасида ҳамкорликни кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Умуман, ушбу ташриф икки давлат ўртасидаги кенг қамровли стратегик ше-риклик муносабатларини янада кенгай-тириш, аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қарати-либ, 19 та ҳужжат имзоланди. Жумладан, стандартлаштириш, худудий ривожланиш соҳасидаги ҳамкорликни мустақамлаш тўғрисидаги битимлар, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишида техник кўмак кў-риш бўйича ҳамкорлик, оила институ-ти ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, энергетик ривожланиш, маданият, туризм, ахборот соҳаси ва кадастр масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида баённомалар имзоланди. Шунингдек, имтиёзли савдо, энергетика бозорини тартибга солишга онд икки томонлама ҳужжатлар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қув-ватлови билан Туркия ҳамда Ўзбекистон муносабатларида улкан ривожланиш суръатига эришилди. Муносабатларнинг институционал асоси белгилаб олинди, кенг қамровли стратегик шериклик дара-жасига кўтарилди. Сиёсий соҳадаги ирода ва жадалликдан келиб чиқиб, иқтисодий ҳамкорликни янада мустақамлаш, тад-биркорларнинг бизнес юритиш имкония-тини оширишга хизмат қиладиган қадам-лар қўйилиши моҳиятда ана шу аниқлаш-нинг ёрқин ифодасидир.

Бу хусусда сўз юритган Туркия Пре-зиденти икки давлат ўртасидаги савдо ва сармоёни ошириш борасидаги ҳамхў-рлик учун давлатимиз раҳбарига алоҳида ташаккур ишорат қилди: “Авиз биродаримиз

Мирзиёева алоҳида раҳмат айтаман. Ўзбекистон Мирзиёевнинг узоқни кўзла-ган ислохотлари ва кучли раҳбарлигида муваффақият қозонишга чин дилдан ишонаман”. Шунингдек, у Ўзбек биродарлар ва инвесторлар учун эшиклар кенг очиб эканини билдириб, “бу — сизнинг иккинчи уйингиз”, дея алоҳида қайд этди.

Тарихий илдири бир бўлган икки дав-латнинг бугунги муносабатлари кўлами кенгайиб, қўшма лойиҳалар билан янада мустақамланмоқда. Туркия Ўзбекистон-нинг ислохот ва ривожланиш жараёнига, энергиядан сармоёга, қурилишдан саноат-га қадар минтақавий барқарорлик нуктаи назаридан стратегик ҳисса қўшиб кел-моқда.

Икки томонлама самарали ҳамкорлик ривожига асосий туртки бераётган муҳим омил сифатида давлатлар раҳбарлари ўр-тасидаги дўстона алоқалар, мунтазамлик касб этаётган олий даражадаги учрашу-влар, самимий мулоқотларнинг ўрни катта. Бу борада “ақл марказлари”нинг ҳам аҳа-мияти ортиб бораётти.

Учрашувларда ўзаро инвестиция, сав-до ҳамжи ва иқтисодий ҳамкорлик янада юқори даражага олиб чиқишнинг кўзда тутувчи келишувларга эришилди. Ташриф арафасидаги бизнес форумда саноат, “яшил” энергетика, электротехника, тўқи-мачилик, фармацевтика, қишлоқ хўжали-ги ҳамда савдо-хусусий шериклик дасту-ри доирасида янги лойиҳаларнинг катта портфели шакллантирилди. Истанбулда Ўзбекистоннинг савдо ваколатхонасини очиб бўйича келишувга эришилди. Энг муҳими, қўллаб-қувватлаш шартларидан ушбу келишувлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик-ка асосланган.

Ташрифдаги эътибор молик яна бир воқеа Ўзбекистон — Туркия Ишбилар-монлар кенгашининг ташкил этилиши бўлди. Ушбу кенгашнинг давлатлар раҳ-барлари раислигида ўтказилган биринчи йигилишида хавфсизлик, мудофеа, тер-роризм, экстремизм ва радикализмга қар-ши кураш соҳасида ҳамкорликни янада мустақамлаш ва мувофиқлашти-риш, қишлоқ хўжалиги, сув ре-сурсларини бошқариш ҳамда рақамлаштириш соҳалари-да ўзаро манфаатли ше-рикликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқил-ди. Таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорлик-ка алоҳида эътибор қаратилди. Президент-лар, шунингдек, мин-тақавий ва халқаро кун тартибдаги долзарб масалалар ҳамда дунёда ҳукм сураётган вазия-тинг ривожланишини кўриб чиқди.

Бугун Ўзбекистон раҳ-бариятининг ўзаро манфаат-ли, вазим ташқи сиёсат юри-тидаги янги аниқлаш туфай-ли юртимиз минтақада тинчлик ва барқарорлик манбаига айланди. Очиб ва конструктив ташқи сиёсат туфайли мам-лакатимизнинг халқаро муносабатлар-даги ўрни ва аҳамияти сезиларли муста-қамланиб, Ўзбекистон жаҳонда де-мократик жамият, кучли, рақобатбардош иқтисодиёт, инновацион институтлар ва инфратузилмага эга мамлакат сифа-тида қабул қилинган. Президентимиз-нинг минтақа ва дунё давлатларининг умумий муаммоларни ҳал қилишдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган ҳаётий ва долзарб ташаббус-лари Ўзбекистоннинг халқаро ташки-биҳорларнинг фаоллиги кескин ўсишига ҳамда ўрни мустақамланишига олиб келди.

Эътибор қилинган, умумий худуди тахми-нан 4,2 миллион квадрат километр ва аҳо-лиси 170 миллион киши бўлган Туркий давлатлар ташкилоти 2009 йили ташкил этилган эса-да, Ўзбекистон бу ташкилотга 2019 йилда тўлақонли аъзо бўлди.

Ўзбекистон етакчисининг халқаро ҳам-жамият ва Туркия билан муносабатларда туб ўзгаришлар ташаббускори бўлгани “Туркия Республикаси нишонини” олий дав-лат мукофоти билан тақдирланди. Ушбу олий мукофот Туркия билан дўстона муно-сабатларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган давлат арбобларига берилади.

Қардош давлатларнинг ўзаро таълим-ни ривожлантиришга эътибори таҳсинга сазовор. Ўзбекистонликлар орасида турк тили таълими, хусусан, тиббиёт, иқтисоди-ёт, туризм соҳаларига қизиқиш аста-се-кин ортиб бормоқда. 2019 йил 21 ноябрда имзоланган икки томонлама шартнома асосида Бухоро давлат тиббиёт институти хузурида Туркия тиббиёт фанлари уни-верситети билан ҳамкорликда Туркия тиббиёт факультети ташкил этилди. Ҳозир дастур бўйича 500 га яқин талаба тиббиёт соҳа-сида таҳсил оляпти. Орадан бир йил ўтиб, Ўзбекистон ҳукумати Тошкентда Туркия иқтисодиёт ва технология университетини филиалини очиб тўғрисида қарор қабул қилди. Мамлакатимиз Савдо-саноат па-латаси хузурида ташкил этилган мазкур университет филиали талабалари Туркия-нинг етакчи компанияларида амалиёт

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Туркия БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича ўхшаш ёки яқин пози-цияга эга.

Хусусан, Тошкент ва Анқара Афғо-нистонда афғонларнинг ўз раҳбарлиги ва саъй-ҳаракатлари, минтақавий ва гло-бал ҳамкорларнинг кучли кўмағида кенг қамровли тинчлик жараёнини тезроқ бошлашни қўллаб-қувватлайди. Анқара Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни барқа-рор, иқтисодий ривожланган ва фаровон минтақага айлантириш мақсадида ўзаро аниқлашув, яхши қўшнчилик ва яқин мин-тақавий ҳамкорликни мустақамлаш бо-расидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қув-ватлайди.

Туркия Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан. Аниқроғи, Россия, Хитой ва Қозоғистондан кейин тўртинчи ўринни эгаллайди. Ҳаттоки айрилма ҳақида шикоят қилиш жуда юқори даражада ошиб, турли соҳаларда ҳамкорлик фаоллашмоқда. Транспорт-коммуникация йўналишида ўзаро алоқалар, худудлар



Туркиянинг Cengiz Holding, Aksa Energy, Çalık Holding, Akay İnşaat, Anadolu Group, Özgüven, Eczacıbaşı Holding каби етакчи компаниялари Ўзбекистонда 100 дан орტიқ лойиҳани амалга оширмоқда. Президентимизнинг навбатдаги ташрифи давомида 10 миллиард долларлик янги сармоёвий лойиҳалар портфели шакллантирилди.

ўртасидаги шериклик мустақамланмоқда.

Иқтисодиётимизнинг тобора либераллашуви, қулай сар-моёвий муҳит қарор топанг Ўзбекистон бозори Тур-кияни қизиқтирмоқда. Бу мамлакатнинг ривожлан-ган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўли, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик имконияти Ўзе-бекистон учун манфаатлидир. Ўзбекистон Туркияга ранг-ли металл, мева-сабзавот, хизматлар, азотли ўғит, қайта ишланган маҳсулотлар экспорт қилади.

Ўз навбатида, Туркиядан кос-метика, турли механик ва электрон ускуналар, пластмасса, тўқимачилик, кимё, фармацевтика маҳсулотлари, кўн-чилик ва буюк маҳсулотлар импорт қили-нади. Ўзбекистон Туркия бозорига енгил саноат, кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, чарм-пойабал ҳамда қи-шлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш кўламини кенгайтиришга тайёр.

Айни пайтда мамлакатимизда ушбу давлатнинг етакчи компания ва банклари билан савдо, инновация, энергетика, ин-фратузилма, транспорт, туризм, тўқимачи-лик ва бошқа соҳаларда қўшма сармоёвий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугун Ўзбекистон тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилмоқда. Миллий валютанинг эркин конвертациясини жорий этиш ва валюта қондаларини либераллаштириш, экспорт ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқа-ришни рағбатлантириш, инвесторлар ва ишбилармон доиралар учун катта солиқ имтиёзлари билан эркин иқтисодий зона-лар ташкил этиш шулар жумласидан.

Ўзаро ҳужжат алмашинувида зиёрат саёҳатини оммалаштириш, туризм соҳасида диний-маърифий тадбирларни кўпайтириш, шунингдек, ислом динининг асл инсонпарвар моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказишга қаратилган халқаро анжуманлар ташкил этиш бўйича кенг қўламли ишлар қилиниши кўзда тутилган.

Ташқи савдонинг янада эркинлаштириш ва самарали бозор иқтисодиётини шакл-лантириш мақсадида божа на тарифлари ставкасини пасайтирилди. Ўзбекистон ҳу-кумати, вазирликлари, Марказий банки ва бошқа ташкилотлари томонидан халқаро стандартларга мувофиқ иқтисодиётнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари, дав-лат бюджети харажати, пул айланмаси, мамлакатимиз олтин-валюта захиралари тўғрисидаги статистика ва таҳлилий ма-ълумотлар шаффоф ва мунтазам эълон қи-линмоқда.

Ташқи савдодаги деярли барча тўсиқ қисқартрилди. Юқори технологияли ва инновацион ишлаб чиқариш яратиш ҳамда кенгайтиришга хорижий ҳамкорлар, сармоёларни жалб этишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Албатта, бу жараёнлар мамлакатда қулай сармоёвий муҳит яратиш ва Тур-киядан инвестиция жалб қилиш учун за-мин яратиб, Анқара ва Тошкент ўртаси-даги узоқ мuddатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш учун ҳам янги уфқлар очади. Туркия G20 давлатлари қатори-да юқори ва иқтисодий ривожланиш бора-сида яхши намуна бўла олади. Туркияда саноат, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, туризм каби соҳалар жуда ривожланган.

Туркиянинг мазкур тармоқлардаги ютуқларини ўрганиш, ислохотларни амал-га ошириш, иқтисодиётни модернизация қилишга ушбу мамлакатнинг илгор таж-рибасидан фойдаланиш, Ўзбекистонда-ги лойиҳаларга турк тадбиркорлари ва компанияларини жалб этиш Тошкент манфаатларига тўла жавоб беради. Тур-кия иқтисодиётида саноатнинг улуши 28 фоиз, қишлоқ хўжалиги 15 фоиз, ку-рилиш 6 фоиз, хизматлар 51 фоизни та-шқил этади. Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида қайта ишлаш соҳаси энг юқори улгушга эга.

Бугун кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик саноат ишлаб чиқаришига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Тўқимачилик, озик-овқат, тоғ-кўн саноати, кимё, фар-мацевтика, энергетика, металлургия, ав-томобилсозлик ва электр техникаси ишлаб чиқариш қабилар яхши ривожланган. Ҳозир Тошкент ва Анқара ўртасида яқин йилларда товар айирбошлаш ҳамжини 5 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ режа мавжуд. Ташриф доирасида бу бо-рада аниқ ечимлар белгилаб олинди.

Савдонинг ривожлантиришнинг қизиқар-ли яна бир йўналиши — транспорт ко-муникациялари ва транзит соҳасидаги ишларни фаоллаштириш, хусусан, Боку — Тбилиси — Карс темир йўли имко-ниятини фойдаланишидир. Ўзбекистон ушбу йўлак орқали Қора денгиздаги Чер-номорск, Потти ва Батуми портларига, шу-нингдек, Туркиянинг Ўртаер денгизигади-ги Мерсин портига, ундан кейин эса Яқин Шарқ ва Шимолий Африкага чиқиш имко-ниятини кўриб чиқмоқда.

Икки давлат худуди орқали ўтувчи халқаро транспорт йўналишларининг рақобатбардошлиги ва жозибadorлигини ошириш мақсадида томонлар тарифлари янада оптималлаштириш ва ташқи савдо транзити кўп ташиллари учун имтиёзли шарт-шароитларни таъминлашга қарати-лган тизимли ўзаро манфаатли ҳамкорлик-ни давом эттиришга тайёр.

Маданий-гуманитар алоқаларни ри-вожлантиришда туризм истиқболли

йўналишидир. 2018 йил 10 февралдан Тур-кия фуқаролари учун Ўзбекистонга ви-засиз режим жорий этилди. Туркия 2007 йилдан бундан Ўзбекистон фуқаролари учун визасиз режим жорий қилган, икки дав-лат туризм соҳасида улкан имкониятга эга эканини инobatга олсак, бундан тўлиқ фойдаланиш, сайёҳлик алмашинувини ошириш юқори иқтисодий самара беради.

Ўзбекистонда туризм соҳаси иқтисо-диётнинг стратегик тармоғига айланиши учун етарли шароит ва фойдаланилма-ган улкан имконият мавжуд. Бу борадаги ҳамкорликни кенгайтиришда икки мам-лакат авиакомпанияларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу муно-сабат билан Самарқанд — Истанбул йўна-лиши бўйича икки давлат ваги йўллар томонидан тўғридан тўғри рейслар йўлга қўйилди. Айни пайтда ваги қатновини кенгайтириш учун янги режа ва қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, Ўзаро ҳужжат алмашину-вида зиёрат саёҳатини оммалаштириш, туризм соҳасида диний-маърифий тадбир-ларни кўпайтириш, шунингдек, ислом ди-нининг асл инсонпарвар моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказишга қаратилган халқаро анжуманлар ташкил этиш бўйича кенг қўламли ишлар қилиниши кўзда ту-тилган.

Шу нуктаи назардан Ўзбекистон жаҳон тамаддуни бешикларидан бири сифатида инсониятнинг маданий ва илмий бойлик-ларини бирлаштирган Шарқ ва Ғарб ўр-тасида кўприк бўлиб хизмат қилди. Ўзбек заминини фан ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафак-кирлар ватани.

Президент Эрдоган таъкидлаганидек, “Ўзбекистон Буюк ислом шлоҳётшунос-лари ва ислом маданияти ёдгорликлари ватани ҳисобланади”. Шу боис, турк фуқаролари муқаддас жойларга, масалан, Имом Бухорий, Абу Мансур Мотуридий ва Бахоуддин Нақшбанд макбараларига катта қизиқиш билдиришмоқда.

Туркия ва туризм — бугун бу номлар кўп жиҳатдан синоним. Энг консерватив ҳисоб-китобларга кўра, Анқара ҳар йили фақат сайёҳлик хизмати кўрсатишдан 30 миллиард доллардан ортиқ даромад ола-ди. Туркия зарур инфратузилма яратиш ва ўз бренддини илгари суриш бўйича муваффақия-тли тажрибага эга. Шу боис, мамлакатнинг бир қанча йирик компаниялари Ўзбекистон-да таянч лойиҳаларни амалга ошириш учун тақият этилган бежиз эмас. Масалан, тур-киялик инвесторлар Чимён-Чорвоқ зонаси-ни тўлақонли замонавий курортга айлан-тириш лойиҳаларида иштирок этмоқда. Улар Тошкентда йирик қўнғулочар марказлар қуриш билан ҳам шугулланиди.

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Тур-кия барча соҳада истиқболли, ўзаро ман-фаатли ва самарали ҳамкорлик қилиш учун етарли имкониятга эга. Асрлар да-вомида ривожланиб келган қардошлиқ ришталари икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни мустақамлаш ва янада чуқурлаштириш учун мустақамк пойдевор бўлмоқда.

Аждодларининг бой маънавий ме-ро-си билан мустақамланган ўзбек ва турк халқларининг фаровон келажак сари бир-галикда қадам ташлаш, кўп қиррали ва узоқ мuddатли муносабатларни жадал ри-вожлантиришга бел боғлагани икки дав-лат манфаатларини ҳимоя қилади ва юксак мақсадлар сари руҳлантиради.

Таҳлил минбари

Устоз макомини

У ҳамма даврда баланд бўлиши керак

Касбимиз тақозоси билан пойтахтимиздаги мактаблардан бирига боришга тўғри келди. Мактаб раҳбариятидан руҳсат олиб, юқори синф ўқувчиларининг дарсини кузатдик. Замонавий синфхоналар, ўқув жихозлари, янгиланган дарсликлар — ҳаммаси ўқувчилик пайтимиз қишлоқдаги мактабимизда бўлишини орзу қилган шароит. Буларни кўриб, кўз қувонади. Бироқ шундай гўзал даргоҳдаги ўқувчилар наздида устоз макомининг кун сайин сусайиб бораётганига гувоҳ бўлиб, кўнгли хира тортиди.

Домла ўзининг кимлигини, мақомини жуда яхши билар ва қадрларди. Қарада нима дейишни, ким билан қандай муносабатда бўлишни яхши тушунарди. Ёш тафаккуримиз билан унга ҳавас қилганимиздан биз ҳам кутубхонадан китоблар олиб, ўқиб юрардик. “Темур тузуклари” билан танишишим ҳамда энг сеvimли асаримга айланган қўлинига айнан Дўстмурод домла сабаби бўлган. Домланинг “Йиллар синовидан ўтган китоблардаги фикрларга ишониш керак. Сабаби улар ҳаётийлиги учун ҳам яшаб қола олган”, деган гапидан ҳануз дастурламал сифатида фойдаланаман.

Яна бир жиҳат — домланинг фарзандлари ҳам мактабда аъло баҳога ўқирди. Бу борада ҳам ҳеч қайси ота-она “Бизнинг боламиздан билим талаб қилгунча фарзандининг ўқишига эътибор бер”, деб таъна қилолмасди. Домла дарс пайтида фарзандлари билан ота эмас, устоз сифатида жиддий муомала қиларди. Ушанда бу рустдан муаллимнинг ўғлимикин Узи, деб ҳайратланардик.

Дўстмурод домладан олимжонлик мактабда энди иш бошлаган янги ўқитувчиларга ҳам тез ўтарди. Кўпи домлага тақдир қилиши сезилар, дарсада ўзини худди у каби тутишга интиларди. Бироқ бу мактабда устозда йиллар давомида шаклланган, бунинг ортида тақдир эмас, касбига юксак муҳаббат, шунингдек, устозлик мақомига чуқур ҳурмат ётарди.

Тасаввуримизда устоз мақоми шу қиёфада муҳрланиб қолди. Бироқ жамиятимизда бу

мақом бора-бора сусайиб бораётгандек, назаримда. Мактабни битиргач, коллежда ўқидик, коллеждан кейин университетга кирдик. Аммо негадир бу даргоҳларда ҳам болаликда тасаввур қилган муҳитни тўлалигича тополмадим. Нимагадир ҳаёлимизда устоз ва шоғирл орасидаги масофа йўқолиб қолгандек туюлаверди. Қизиқ, устозларнинг ҳурмати пасайдиими ёки шоғирлларнинг журъати ошди? Шу саволларимга ҳануз жавоб излайман.

Ҳозир ижтимоий тармоқларда муаллим ва ўқувчилар жанжали акс этган лавҳаларга тез-тез кўзимиз тушади. Қайсидир ҳолатда муаллим ўқувчини калтакласа, баъзидада ўқитувчи қўл кўтарилди. Устознинг шоғирдин жисмоний жазолашини оқлаш ҳато, бироқ шоғирдин устозга қўл кўтариши маданиятимиз учун улкан иснод. Ушбу номақбул ҳолатлар миллимиз шаънига етказилган жиддий путурдир. Шубҳасиз, бунинг сабаби ва иштирокчилари учта — ўқитувчи, ўқувчи ҳамда ота-оналар. Шу учала томондан қайси бири масъулиятда оқсаноқда? Таҳлиллар бундай оқсанишнинг сабабларидан бири педагогик мактабнинг тобора нураб бораётганида эканини кўрсатади. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкин: ҳозир педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида талабаларнинг педагогик маҳоратини ошириш тизими аянчи ахволга тушиб қолган.

Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари аллақачон амалий мактабни йўқотиб, назария билан чекланиб қолди. Масалан, она тили ва адабиёт йўналишида ўқийдиган талабалар бакалаврият босқичида



санокли кунлар амалиётга чиқади, қолган вақтни эса аудиторияда узундан узун маъруза эшитиш билан ўтказиши. Охир-оқибат педагогик маҳоратидан беҳабар ҳолда қайсидир мактабда иш бошлаб, унинг муҳитига мослашиб кетаверди. Чунки уларга бу борада янгича гоёлар услублар талабаларнинг даражасини ўргатилади. Айнан шу занжирнинг давом этиши мактабларимизда маҳоратсиз ўқитувчиларнинг катта авлодини шакллантириб қўйди.

Фалсафа фани ўқитувчиликка азалдан ақлий ва жисмоний маҳоратнинг уйғунлиги сифатида қараган. Яхши ўқитувчи бу икки жиҳатни ҳам ўзида намоён этиши лозим. Бироқ олий таълим муассасаларидаги дарсликларда асосий эътибор фақат фага оид билимларни ўргатишга қаратилган. Ҳаттоқ давомида талабаларга ўқитувчи таълим даргоҳида ва жамиятда ўзини қандай тутиши ҳақида билим деярли берилмай қўйди. Бу билимдан беҳабар ўқитувчилар сони олий таълим муассасаларининг ўзида

кун сайин ортиб бормоқда. Назаримизда, педагогик илмини юксалтириш борасида жиддий ишлар қилиниши лозим. Ўқитувчи ҳурматсиз жамиятда илгга ҳурмат бўлмайди. Муаллимларнинг обрўси бўлмаган миллатда жиноятчи, масхарабозлар ҳурмат қозонади. Устозларнинг шаъни сўнган жамият фаровонлик илм-маърифат ортидан келишини англай олмайди. Устозлар макомини кўйиб бўлган жамиятни бир-бирдан замонвий мактаблар ҳам маърифатли қила олмайди.

Мақсадимиз улуг келажак куриш экан, аввало, унинг меъморлари бўлган устозларни қадрлашни ўрганайлик. Мақсадимиз минглаб даҳоларни вояга етказиш экан, энг аввало, бунга қодир ўқитувчиларни тарбиялайлик. Зеро, улугвор бинолар мустаҳкам пойдеворлар устида қурилади.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Илм-фан

ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ ХАЛҚАРО АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ

Янги ютуқларга йўл очади



Шухрат БОЙМУРОДОВ,
тиббийёт фанлари доктори,
профессор

Мамлакатимизда олий таълимга қамров бир неча баробар ошди, олийгоҳлар сони йилдан йилга ортиб, таълим олиш истагида бўлган ёшларга имкон эшикларини янада каттароқ очилди. Тиббийёт олий таълим муассасалари моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани ҳам таълим-тарбия жараёнига қаратилаётган эътибор намунаси. Хусусан, ўтган 2023/2024 ўқув йилида Тошкент тиббийёт академияси бош ўқув биноси реконструкция қилиниб, замонвий жиҳозлар билан таъминланди. Натижамда жаҳон талабларига мос симуляцион, биотиббийёт, таълимни рақамлаштириш, ахборот-ресурс марказлари, илмий текшириш лабораториясини ўз ичига олган, жиҳозлар билан бойитилган, тўлиқ рақамлашган смарт ўқув биноси ишга туширилди.

Агентликнинг 20 нафар ташқи эксперти иштирокида ташкил этилган маъруз жараёнда суҳбат ва саволнома орқали талабалар, педагоглар, раҳбарият, иш берувчи ва битирувчиларнинг фикри ўрганилди. Бундан ташқари, академиянинг моддий-техник базаси ҳолати, клиник амалиёт базалари, кафедралардаги ўқув жараёнлари билан яқиндан танишилди. Экспертларнинг ақлий хулосасида Тошкент тиббийёт академияси таълим дастурлари халқаро стандартларга мувофиқ деб топилиди.

Халқаро аккредитация Тошкент тиббийёт академиясига нима беради?

Энг аввало, академия бу халқаро эътироф сабаб жаҳон таълим маконида тан олинди. Энди битирувчиларимиз хорижнинг исталган университетлари таълимни давом эттириши, ишга жойлашиб, лицензия олиши мумкин. Қўшма таълим дастурларини ривожлантириш учун етакчи университетлар билан халқаро ҳамкорлик имкониятлари кенгайдди. Талаб жараёни халқаро талабаларга мослашди. Бу дегани жаҳон таълим бозорида рақобатга бемалол дош бера оламиз. Энг асосийси, Тошкент тиббийёт академияси мақоми ва таълим сифатининг халқаро стандартларга мувофиқлиги тасдиқланди.

Мустақил аккредитация ва рейтинг агентлиги халқаро экспертлари томонидан олийгоҳимизнинг таълим жараёни ташкил этилишига баъзи жиҳатларга эътироф этилди. Унга кўра, академия инклюзив ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ва барча

учун умрбод таълим имкониятларини рағбатлантиради. Бу ерда таълим жараёни илмий фаолият билан уйғунлашган, таълим олувчилар илмий тадқиқот ишларини ташкил этишда моддий-техник база ва лаборатория имкониятлари билан етарлича қамраб олинган. Талабаларнинг таълим олиши учун қўлай шароит яратилган. Улар замонвий симуляцион марказида амалий кўникмаларни ўзлаштириш имкониятига эга. Соҳанинг етуқ мутахассислари ўқув жараёнига жалб этилган, 150 га яқин клиник базада таълим олиш имконияти яратилган. Талабалар фан ресурслари ва ахборот-ресурс имкониятлари билан тўлақонли таъминланган.

Тошкент тиббийёт академияси таълимга Жаҳон тиббий таълим федерацияси стандартларини жорий этиш бўйича пилот лойиҳани амалга оширган муассаса сифатида ўз ўрнига эга бўлди. Ушбу ютуқ нафақат академиямиз, балки соғлиқни сақлаш тизимининг ҳам катта ютуғидир. Бу эса мамлакатимизда соҳани ривожлантириш бўйича келгачта ислохотларга муносиб жавоб деб ўйлаймиз.

Халқаро аккредитация жамоамизга жуда катта масъулият юклайди. Жараёнга шайқоф усулларини жорий этиш, инглиз тилидаги таълим олишнинг ошириши, ўқитиш сифати, талабаларнинг мустақил таълим олишINI рағбатлантириш, билимини баҳолаш тизимини тубдан ўзгартириш борасида қилладиган ишларимиз кўп. Бунга куч ва салоҳият етарли, шароит ва имкониятлар бор.



Инсон қадри учун

ЮРАККА ҚУВВАТ, ОФРИҚҚА ШИФО

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Жиззах шаҳридаги Маданият маҳалласида яшовчи ёлғиз она Гулбахор Ҳазраткулова ўн йилдан буён қанд касаллигидан азият чекади. Дард устига чипқон, деганларидек, сўнгги вақтларда юрагига ҳам қаттиқ оғриқ пайдо бўлган. Бир куни маҳалла патронаж ҳамшираси онанинг ҳолидан хабар олиб, қанд касаллигига қарши дорилар берди.



— Қизим, сенга ҳам, мана шундай имкониятларни берган давлатимизга ҳам раҳмат. Ҳолимдан доим хабар олиб турасан. Яратганга шуқр, ҳозир касаллигимдан шикоятим йўқ. Аммо юрагимдан хавотирдаман. Анчадан бери безовта қилади, — деди Гулбахор она.

— Ундай бўлса, эртага эрталаб тўғиб туринг, келиб сезини поликлинникага олиб бориб, текширувдан ўтказаман, — деб хайрлашиб кетди ҳамшира.

Эртасан кун ойнахонини поликлинникада барча текширувдан ўтказди. Шифокор унинг юрагида жиддий ўзгаришлар борлигини, зудлик билан стент қўйиш кераклигини айтди.

Ойнахон ёлғиз яшаши, бунга молиявий имконияти йўқлигини тушунтирди.

— Сиз ҳеч хавотир олмагн, бу жарроҳлик амалиёти бепул қилинади. Сизни даволаш билан боғлиқ барча харажатни Давлат тиббий суғурта жамгармаси тўлаб беради, — деди шифокор онанинг кўнглини кўтариб.

Гулбахор Ҳазраткулованинг ҳужжатлари зудлик билан электрон ахборот тизими орқали навбатга қўйилди. Утган йили сентябрда ушбу йўланма орқали Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббийёт маркази Жиззах филиалида онахоннинг юрагига 2 та стент ўрнатилди. Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтди. Онахон шифокорларни дуо қилиб, уйига қайтди.

— Нимагадир янги йилдан бошлаб юрагимда яна кучли оғриқ пайдо бўлди, — деди онахон. — Яқинда Давлат тиббий суғуртаси жамгармаси ҳисобидан стент ўрнатилгани учун иккинчи марта бепул даволатмас керак, деб қизимга кўнгирок қилиб, келиб мени даволатишини сўрадим. Қизим келганида аҳолим анча оғир эди. Махалламиз патронажи билан маслаҳатлашиб, яна поликлиникага бордик. Шифокор текшириб, кўриқдан ўтказгач, бу сафар мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказиш кераклигини айтди. “Сизларга раҳмат, ўтган сафар юрагимга бепул стент ўрнатдиларингиз. Аҳолимни биласизлар, қизимда ҳам ортиқча маблаг йўқ, энди нима қилсам экан?”, демоқчи эдим, шифокор ҳам худди сезгандек: “Ҳеч нарсани ўйламагн, насиб қилса, бу сафар ҳам Давлат тиббий суғуртаси жамгармаси ҳисобидан сиз учун бепул мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказамиз, дуо қилсангиз бўлди”, деди. “Бусиз ҳам ҳар кун дуодаман”, дедим. Шу йил март ойи охирида яна ўша марказда нисбатан мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Яратганга шуқр, муваффақиятли ўтди. Ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис қиламан. Қизимнинг айтишича, бундай мураккаб жарроҳлик амалиёти 70-80 миллион сўм тураркан...

босқичда қафлатланган ҳажмдаги тиббий хизматнинг бепуллиги таъминланади.

— Конституциямизда давлат тиббий суғуртасини ривожлантиришни ҳуқуқий асослари белгиланган, — деди Давлат тиббий суғуртаси жамгармасининг Жиззах вилояти бўйича бош мутахассиси Илҳом Норбоев. — Давлат тиббий суғурта жамгармасидан барча фуқаро ёши, жинси ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, фойдаланиши мумкин. Бу тизим 2025 йилга қадар, фойдаланиш бўйича, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, 2025-2026 йил охиригача юртимизнинг барча вилоятини қамраб олади. Шундан кейин давлат тиббий суғурта тизими яратилади. Ҳамма хизмат учун маблаг давлат томонидан тўлаб берилади.

Бу тизимнинг аҳоли учун энг фойдали жиҳатларидан бири шуки, беморлар даволашни учун шифоҳона танлаш ҳуқуқига эга. Узи хоҳлаган клиникада даволашни мумкин. Жамгарма эса маблагни ўша муассасага йўналтиради. Нодават тиббийёт ташкилотлари кўрсатилган тиббий хизматлар учун қўйилладиган талаблар Соғлиқни сақлаш вазилиги томонидан тасдиқланган.

— Давлат тиббийёт муассасалари билан хусусий клиникалар ўртасида соғлом рақобат пайдо бўлди, — деди Илҳом Норбоев. — Бу, албатта, яхши натижа беради. Фуқаролар сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқига эга бўлади. Тиббий суғуртанинг аҳоли учун аҳамияти ҳозир жуда катта.

Бироқ унинг аҳамиятини ҳали айрим тиббийёт муассасалари масъуллари тўлигича тушунгани йўқ. Шу сабабли бўлса керак, Жиззах вилоятидидаги санокли тиббийёт муассасалари жамгарма билан ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Вилоятда биргина Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббийёт маркази Жиззах филиали жамгарма билан самарали ҳамкорлик қилаяпти. Утган йили Давлат тиббий суғуртаси жамгармаси ҳисобидан ушбу марказга қарийб икки миллиард сўм ўтказиб берилди. Ушбу маблаг ҳисобидан нозоб беморлар учун бепул даволашни имконияти яратилди. Бир неча хусусий тиббийёт муассасаси ҳам жамгарма билан ҳамкорлик қилишга ариза берган. Рақобат бор жойда ўшш ҳам, сифат ҳам бўлади. Энг муҳими, ушбу сай-харақатларнинг барчаси халқимиз манфаатига хизмат қилади.

Давлат тиббий суғуртанинг жорий этилиши соғлиқни сақлаш тизимига ажратиладиган маблаг доираида бирламчи тиббий-санитария ёрдами улушининг ўсишига, сифатли тиббий хизмат билан таъминланганлик даражасини оширишга, тиббий хизматлар бозорига очкилик ва шаффоқлигини таъминлашга, аҳолининг тиббий ёрдам учун тўғридан тўғри тўловлар даражасини камайтиришга хизмат қиломоқда.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ОЛТИН МЕРОС

Дунёга сочилаган дурдоналар

Туркия музейларида Ватанимиз тарихига оид сақланаётган ашёлар

Давлатимиз раҳбарининг Туркияга қилган муҳим, стратегик мақсадларга бой ташрифи Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигининг яна бир янги саҳифаси очилшига замин яратди. Зеро, расмий ташриф доирасида олий даражадаги тадбирлар ўтказилди, келишувларга эришилди.




Дилафрўз ҚУРБОНОВА, Камолитдин Бехзод номидagi Миллий рассомлик ва дизайн институти проректори, тарих фанлари доктори

Тарихда Соҳибқирон бобомиз марказлашган давлат барпо этиши билан бирга, бошқа мамлакатлар билан ташқи иқтисодий-сиёсий муносабатларни ҳам изчил йўлга қўйди. Амир Теуыр ва теурийлар даврида гуллаб-йишган маданият, маърифат, қарор топган маънавий қадриятлар ҳалигача дунёни бир бутун ҳолда тасаввур этиш, гуманизм ва инсонлар ўртасидаги тенглик, биродарликка хизмат қилиб келмоқда.

Ўша даврда ҳам барча фан соҳалари юксак ривожланган бўлиб, бу Шарқ халқлари ўртасида узвий ҳамоханликни ўзда акс эттирган. Буни қўлёзмаларда, амалий санъат ишлари ишларида, меъморликда кўриш мумкин. Шу каби азалий узвий боғлиқлик натижасида бутунги кунда Туркия музейларида теурийларга оид кўплаб тарихий ашёлар сақлаб келинмоқда.

Илмий тадқиқотларга кўра, бутунги кунда теурийларга оид ашёлар Туркиядаги Тўпқоғи саройи, Турк ва ислом асарлари музейи ва кутубхоналарда сақланаётгани маълум бўлди. Жумладан, Тўпқоғи музейида теурийлар даврига оид турли қўлёзмалар, амалий санъат буюмлари бор. Шулардан бири Низомиддин Абул Маолий Насруллоҳнинг "Қалила ва Димна" асаридир. У ҳайвонлар ҳақидаги асар бўлиб, аслида, шаҳзодаларга кинояли панд-насихатлар тарзида битилган. Асар қадимги ҳинд эртақлари асосида ёзилган, VIII асрга келиб, араб тилига таржима қилинган.

Табризда ҳукм сурган Жалойирийлар анъаналари теурийлар даври мусавирлигига таъсирини ўтказгани Язд шаҳрида ишланган ушбу қўлёзмада ҳам аққол намоён бўлади. 1397-1398 йилларда ёзилган достонлар гувоҳлик берадики, бу даврда тасвирий санъат домий ривожланиб, ўзгариб борган ва Жалойирийлар даври моҳир усталари теурийлар давлатига аjoyиб санъатларни олиб кирган. Султон Аҳмаднинг 1406 йилда ёзилган девонидида безаклар шу қадар беҳато, турли ранглар уйғунлигида ишланганидан мукамаллик касб этади. Кейинроқ Шерозда Искандар Мирзо учун ёзилган қўлёзмаларда ҳам худди шундай бир қанча безаклар мавжуд.



Бундан ташқари, Тўпқоғи саройи-музейида Улутбек ибн Шоҳруҳнинг 1420-1449 йилларга мансуб ўйма нақшли ёғоч сандиқчаси ҳам сақланади. Сандиқча ёғочдан, рангли қопламалар билан безатилган, олтин тошлар қадалган ва ичига ипак мато тўшалган. У теурийлар давридан бизгача сақланиб қолган ёғоч буюмлар ичига эди нафис ишланган ҳисобланади. Сандиқча бўлак-бўлак ёғочлардан тайёрланган бўлиб, ҳар бир бўлагидида ўсимликсимон нақшлар гажакларга туташиб кетади ва қопқоқ қисмида Улутбекнинг исм-шарифи ўйиб ёзилган. Қопқоғининг ўрта қисмида тўрт панжарли аждарҳо тасвири туширилган гуллаётган дарахт шохларидан ўсиб чиққан жимжимдор нақшлар шу қадар кўчқки, уни англаб олишнинг ўзи қийин. Қопқоғининг гир айланасига рангли тошлар қадаб чиқилган. Ташқи томони олтин тутқич ва илгаллар безаб турган бўлса, ички қисмига қизил ва кумуш гулли ипак мато тўшалган.

Музей номи берилиб, 1927 йили кенг омма учун очилган. 1983 йилда эса музей XIV асрга оид Иброҳим шошо саройига кўчирилган. Музей тўпламлари бутун дунёга машҳур. Бу ерда турк санъати оид турли ашёлар, илк ислом қўлёзмалари, XIII-XIV асрларга оид бадий хўнарандлик намуналари сақланади. Музей дизайни ҳам ўзгача яратилган. Яъни эски бино янгича усулда қайта таъмирланган. Бунда масжид ҳужра сари деэзалари экспозицияда витрина вазифасини бажаришга ўзгартирилган. Ушбу музейда теурийлар даври санъати ва маданиятини намоиш этадиган алоҳида экспозициялар орасида ўша даврда оид бир қанча қўлёзмалар сақланади. Хусусан, Амир Хусрав Деҳлавий девони Иброҳим Султон ибн Шоҳруҳ учун 1430-1431 йиллар кўчирилган. 375 саҳифадан иборат китобга олтин суви юритилган. Шерозда Иброҳим Султон ҳомийлигида кўчирилган қўлёзмалар ўзининг маъноси еки унга ишланган бегази жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Китобнинг биринчи саҳифасида дебоча ва зарварак жуда чиройли ишланган. Кейинги саҳифаларида мажнунот новдалари сингари безаклар бир-бирига туташиб кетган ва унда "сарой қули, Иброҳим Султон" деган ёзувлар бор.

Туркия музейларида сақланаётган экспозициясида ватанимиз тарихига оид ашёларнинг илмий-амалий жиҳатдан ўрганилиши санъатшунослик ва музейшунослик илмини янги маълумотлар билан тўлдириш, илмий тадқиқотлар учун манба бўлиб хизмат қилиши табиий. Умуман, Туркия ва Ўзбекистон анъаналари ўхшашлиги, санъат ва маданияти ақинлиги янги лойиҳаларга асос бўлади. Хусусан, бутунги кунда Камолитдин Бехзод номидида Миллий рассомлик ва дизайн институтида Туркия билан илмий-иқодий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу ҳамкорлик конференцияларда соҳа мутахассисларининг маърузалари, институт докторантларининг Туркияда олиб бораётган тадқиқотлари юзасидан халқаро конференциялардаги иштирокида, илмий стажировкаларда ҳамда Туркия рассомлари билан биргаликдаги кўргазмалар ташкил этилишида ўз ифодасини топтомоқда. Албатта, санъат, илм-фан халқлараро ҳамкорликда муҳим омиллардан бири сифатида хизмат қилади.

Мулоҳаза

БЕМИННАТ, СОДИҚ ДҲЕСТНИ УНУТИШИБ БЎЛМАЙДИ

эшиттириш ва кўрсатувлар берилияпти. Мутахассислар тахлилий фикр-мулоҳазалар билдириляпти. Китоб мутолаасига ундовчи, рағбатлантирувчи, анъаналарга айланган тадбирлар пойтахтимизда ҳам, вилоятларда ҳам кўпайган. "Маърифатли оила", "Ёш китобхон", "Китобхон оила", "Юз ғазал — юз жавоҳир" каби танловлар ўтказилляпти. "Мутолаа" лойиҳаси бўйича ўзбек тилидаги мингдан ортиқ номдаги китобни ўз ичига олган белул илова тақдироти ўтказилгани ҳамда 2024 йил октябрдан ундан фойдаланувчилар сонини 1 миллионга етказиш мақсад қилингани ҳақидаги хабарлар ҳам бор. Энг кўп китоб ўқиладиган мамлакатлар, ўзбек тилида янги нашр этилган бадий асарлар рўйхати, китоб дўконлари манзили ҳақида маълумотлар бериб берилиши кучайган.



рамиз. Бундай беминат дўстларини унутиб бўлмайди... Кутубхонага бир-икки марта уч ёшли неварам билан боришга тўғри келди. Агар уларни телефон билан алдамай, ёшига муносиб китоб бериб, тушунтириш, савол бериб гапириб турсангиз, қизиқиши ортаркан. Бунга кўпроқ вақт ажратсангиз бўлди. Ҳа, китоб ўқишдан кўра, интернетта шўнгиб кетишни афзал биладиганлар кўпайди. Мутахассислар бу жараёнда интернетнинг ўзига хос ўрнини инкор этмаган ҳолда, босма адабиётнинг афзаллиги борасида таҳлилий қузатувлар ўтказган. Шунга қарамай, ёшлар китобини энди телефон еки компьютерда ўқимоқда, қайши қийин. Бўлса ҳам санолик ва бу ҳеч қачон босма китобнинг инсонга фойдали таъсирини бериляпти. "Дашт бўриси", "Ақллилик сўқмоғи" каби машҳур асарлар муаллифи, Нобель мукофоти совриндори Герман Гессе "Китоблар сеҳри" асарида бундай ёзади: "...Жуда кўп кишилар пиво еки керакисиз турли лаш-лушлар учун кинрик қоқмай бераётган пулнинг ҳеч бўлмаса, ўндан бирини китоб учун сарфлашга қизганади... Ваҳоланки, ҳар қандай ота боласига олиб берган китобнинг бир кун келиб, албатта, фойдаси тегишини билади".

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар. Газета тахририят комитетида махфияланган. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Колограк" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1994. 44065 нусхадда босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Ғозиддинов Мусахҳиж: Малоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ҚИШШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Рустам БОЙТўРА, журналист